

Давлат ижтимоий буюртмаси бериш орқали
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида
аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича амалга
оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.09.2020 йилдаги **ПФ–6074-сон** Фармонида асосан давлат ижтимоий буюртмалари орқали марказлашган ичимлик суви таъминоти етиб бормаган қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш ва уларга оқова сув хизматлари кўрсатиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2021 йилдаги **ПФ-6155-сон** Фармонида ва 22.01.2022 йилдаги **ПҚ-98-сон** қарорига асосан давлат ижтимоий буюртмаларини амалга ошириши учун республика бюджети маблағларидан жами **30 млрд сўм** ажратилган.

Ушбу маблағлар ҳисобидан аҳолиси **15** мингдан кам бўлмаган, марказлашган ичимлик сув таъминоти етиб бормаган **6 та** МЙларда, хусусан:

– Андижон вилояти Балиқчи тумандаги “Янгихаёт” ва “Маллачек” МФЙлар;

– Наманган вилояти Поп тумандаги “Найман” ва Учқўрғон туманидаги “Халфатўпи” МФЙлар;

– Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги “Оқтепа” ва Қува туманидаги “Султонобод” МФЙлардаги аҳолини давлат ижтимоий буюртма асосида ичимлик суви билан таъминлаш белгиланган.

Маълумот учун: манзилли рўйхатлар вилоятларнинг ҳалқ депутатлари кенгашлари қарорлари билан тасдиқланган.

Давлат ижтимоий буюртмалари асосида ичимлик сув таъминотини жорий этиш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.07.2021 йилдаги **415-Ф-сонли** фармойиши қабул қилинган.

Мазкур фармойишга асосан давлат ижтимоий буюртмаси асосида ичимлик сув билан таъминлаш дастурига киритилган объектларни қурилишининг буюртмачиси этиб “Ўзсувтаъминот” АЖнинг “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиш бўйича инжиниринг компанияси” УК белгиланган.

Шунингдек, фармойишга асосан дастур доирасидаги ташкилий ишларни мувофиқлаштириш, хусусан қурилиш ишларини ташкил этиш, қурилиш ишларига аҳолини улушини жалб этиш, барпо этилган ичимлик сув таъминоти тизимини эксплуатация қилишни ташкил этиш ва бу борада ходимларни ўқитишга “Таррақиёт” аҳоли турмуш тарзини яхшилаш маркази нодавлат ноижорат ташкилоти белгиланган.

Давлат ижтимоий буюртмалари асосида ичимлик сув таъминотини амалга ошириш бўйича расмийлаштирилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан лойиҳаларнинг умумий қиймати **24,4 млрд сўми** ташкил этиб, **23,9 млрд сўм** ўзлаштирилган.

Ўзлаштирилган маблағлар ҳисобидан **3 727 та** хонадондаги **20 056 нафар** аҳолига ичимлик сув таъминоти йўлга қўйилган.

Амалга оширилган ишлар лойиҳалар кесимида қуйдагича:

1. Андижон вилояти Балиқчи туманда “Янгихаёт” МФЙ туман марказидан **20 км** узоқликда жойлашган бўлиб, ундаги **515 та** хонадонда **3 200 нафар** аҳоли истиқомат қилади.

Мазкур МФЙдаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳаси қиймати **2 393,4 млн сўм** бўлиб амалда **2 187 млн.сўм** ўзлаштирилган.

Қурилиш ишларининг лойиҳа ҳужжатлари “Таъмирлойиҳа” МЧЖ томонидан тайёрланган ва “Саховат унуми” МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан **1 та** ичимлик сув иншооти қурилган, **14 км** тармоқ тортилган ва **515 та** хонадон сув тармоғига уланган.

Қурилиш ишларида барпо этилган объект давлат қабул қилиш ҳайатининг 12.12.2022 йилдаги 54-2022-сон далолатномасига асосан фойдаланишга қабул қилинган.

Барпо этилган ичимлик сув тизимини эксплуатация қилиш учун “Янги хаёт чашмаси” ННТ ташкил этилган ва тизим мазкур ННТга топширилган.

Маълумот учун: “Янги хаёт чашмаси” ННТ Андижон вилояти Адлия бошқармасида 27.10.2022 йилда 275-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

2. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги “Маллачек” МФЙ туман марказидан **20 км** узоқликда жойлашган бўлиб, ундаги **572 та** хонадонда **2 850 нафар** аҳоли истиқомат қилади.

Мазкур МФЙдаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳаси қиймати **2 722,8 млн сўм** бўлиб амалда **2 350 млн.сўм** ўзлаштирилган.

Қурилиш ишларининг лойиҳа ҳужжатлари “Таъмирлойиҳа” МЧЖ томонидан тайёрланган ва “Бунёдкор транс сервис” МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан **1 та** ичимлик сув иншооти қурилган, **18,2 км** тармоқ тортилган ва **572 та** хонадон сув тармоғига уланган.

Қурилиш ишларида барпо этилган объект давлат қабул қилиш ҳайатининг 28.12.2022 йилдаги 58-2022-сон далолатномасига асосан фойдаланишга қабул қилинган.

Барпо этилган ичимлик сув тизимини эксплуатация қилиш учун “Маллачек обихаёти” ННТ ташкил этилган ва тизим мазкур ННТга топширилган.

Маълумот учун: “Маллачек обихаёти” ННТ Андижон вилояти Адлия бошқармасида 27.10.2022 йилда 274-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

3. Наманган вилояти Поп туманидаги “**Найман**” МФЙ туман марказидан **25 км** узоқликда жойлашган бўлиб, **640 та** хонадонда **3 300 нафар** аҳоли истиқомат қилади.

МФЙдаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳа қиймати **5 258,9 млн сўм** бўлиб, амалда **5 186 млн.сўм** ўзлаштирилган.

Қурилиш ишларининг лойиҳа ҳужжатлари “Arhimax” МЧЖ томонидан тайёрланган ва “Наманган махсус иншоот қурилиш” МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан **2 та** ичимлик сув иншооти қурилган, **28,2 км** тармоқ тортилган ва **640 та** хонадон сув тармоғига уланган.

Қурилиш ишларида барпо этилган объект давлат қабул қилиш ҳайатининг 21.09.2022 йилдаги 87-2022-сон далолатномасига асосан фойдаланишга қабул қилинган.

Барпо этилган ичимлик сув тизими “Найман обихаёти” ННТ ташкил этилган ва тизим мазкур ННТга топширилган.

Маълумот учун: “Найман обихаёт” ННТ Наманган вилояти Адлия бошқармасида 01.12.2022 йилда 280-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

4. Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги “**Халфатўпи**” МФЙ туман марказидан **20 км** узоқликда жойлашган бўлиб, **486 та** хонадонда **2 700 нафар** аҳоли истиқомат қилади.

МФЙдаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳа қиймати **3 073,8 млн сўм** бўлиб, амалда **2 979,2 млн.сўм** ўзлаштирилган.

Қурилиш ишларининг лойиҳа ҳужжатлари “Arhimax” МЧЖ томонидан тайёрланган ва “Муродил вақт инвест” МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан **1 та** ичимлик сув иншооти қурилган, **14,9 км** тармоқ тортилган ва **486 та** хонадон сув тармоғига уланган.

Қурилиш ишларида барпо этилган объект давлат қабул қилиш ҳайатининг 21.09.2022 йилдаги 84-2022-сон далолатномасига асосан фойдаланишга қабул қилинган.

Барпо этилган ичимлик сув тизими “Халфатўпи чашмаси” ННТ ташкил этилган ва тизим мазкур ННТга топширилган.

Маълумот учун: “Халфатўпи чашмаси” ННТ Наманган вилояти Адлия бошқармасида 28.07.2022 йилда 278-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

5. Фарғона вилояти Қува туманидаги “**Султонобод**” МФЙ туман марказидан **22 км** узоқликда бўлиб, ундаги **600 та** хонадонда **3 000 нафар** аҳоли истиқомат қилади.

МФЙдаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳа қиймати **4 525 млн сўм** бўлиб, амалда **4 458,1 млн.сўм** ўзлаштирилган.

Қурилиш ишларининг лойиҳа ҳужжатлари “Arhimax” МЧЖ томонидан тайёрланган ва “Обхаёт қурилиш инжиниринг” МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан **1 та** ичимлик сув иншооти қурилган, **16 км** тармоқ тортилган ва **600 та** хонадон сув тармоғига уланган.

Қурилиш ишларида барпо этилган объект давлат қабул қилиш ҳайатининг 31.12.2022 йилдаги 1/2022-сон далолатномасига асосан фойдаланишга қабул қилинган.

Барпо этилган ичимлик сув тизими “Султонобод обихаёти” ННТ ташкил этилган ва тизим мазкур ННТга топширилган.

Маълумот учун: “Султонобод обихаёти” ННТ Фарғона вилояти Адлия бошқармасида 10.10.2022 йилда 443-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

6. Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги “Оқтепа” МФЙ туман марказидан **23 км узоқликда бўлиб, ундаги **914 та** хонадонда **5 006 нафар** аҳоли истиқомат қилади.**

МФЙдаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳа қиймати **6 418,1 млн сўм** бўлиб, амалда **6 708,8 млн.сўм** ўзлаштирилган.

Қурилиш ишларининг лойиҳа ҳужжатлари “Қурилиш молия сервис” ХК томонидан тайёрланган ва “Бунёд Бўстон” МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан **2 та** ичимлик сув иншооти қурилган, **28 км** тармоқ тортилган ва **914 та** хонадон сув тармоғига уланган.

Қурилиш ишларида барпо этилган объект давлат қабул қилиш ҳайатининг 30.12.2022 йилдаги 2/2022-сон далолатномасига асосан фойдаланишга қабул қилинган.

Барпо этилган ичимлик сув тизими “Оқтепа сув маскани” ННТ ташкил этилган ва тизим мазкур ННТга топширилган.

Маълумот учун: “Оқтепа сув маскани” ННТ Фарғона вилояти Адлия бошқармасида 10.10.2022 йилда 444-сон билан рўйхатдан ўтказилган.